

таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловч ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жихозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмагандан эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) -бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқкандаёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.